

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ОМИЛ

Бахриев А.Р.,

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси доценти

Аннотация: Ушбу мақолада мулоқотнинг кўринишлари, муомала маданияти, шахслараро муносабатни ташкил этишда муомала маданиятига эътибор қаратиш каби масалалар таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: муомала, муомала маданияти, муомала услублари, хушмуомалалик, ширинсуханлик.

Ҳозирги тезкор замонда ижтимоий тараққиётга эришиш ҳамда халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш учун инсон шахси омили бирламчи аҳамият касб этиб, унинг такомили фалсафа, психология, педагогика, социология, маданиятшунослик, эстетика, аксиология ва акмеология каби қатор фан соҳалари мутахассисларини тинимсиз изланишга, янги илмий ечимларга келишга ундамоқда. Ижтимоий талабларга мос баркамол шахс камолотини таъминлашда кўпгина психологик ва ижтимоий психологик омиллар қаторида муомала маданияти ҳам муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда, - “Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғоялари, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш...” кенг аҳамият касб этмоқда.

Бу эса шахснинг биринчи навбатда ўзида ижтимоий фаолликни акс эттириши билан боғлиқ. Талаба-ёшлар илм олишида самарадорлик – интеллектуал ишчанлик, ўзига юкланган ўқув вазифаларини белгиланган вақт ичида маълум даражада самарали ва мақсадга мувофиқ этиб бажариш учун потенциал имконияти мавжудлиги даражасига, шунингдек, ўз шахсий ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Муомала ўз мақсадидан келиб чиқан ҳолда асосан учга бўлинади:

Коммуникатив (ахборот узатиш)

Коммуникатор

Реципиент

Интерактив (ўзаро таъсир)

Шахслараро коммуникация

Перцептив (ўзаро идрок қилиш)

Идентификация

Рефлексия

Стереотипизация

Миллий муомала маданияти тарихий анъаналарга эга бўлиб, улар кадриятлар, ғоялар, урф-одатлар, маросимларда авлоддан-авлодга такомиллашган ҳолда ўтиб келмоқда. Зеро, муомала маданияти бурч даражасида - шахснинг ахлоқий вазифаси сифатида намоён бўлиб, талаба-ёшларда виждонни, қатъийликни уйғотиши ижтимоий талабларга айланди.

Муомала замирида билим, дунёқараш, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга муносабат, маданият ва маънавият даражаси яширин бўлади. Зеро, хушмуомалалик ва одоб муомалага алоҳида қувват бағишлаб, суҳбатдошнинг унга нисбатан диққат ва эътиборини янада оширади, суҳбатнинг самарали кечишига, бу орқали эса, қўйилган мақсадга эришишга кенг йўл очади.

Ширинсуханлик ташқи ҳамда ички маданиятнинг ифодаси сифатида маълум меъёр доирасида намоён этилиши ва ўзига шахсий манфаати тегадиган кишилар олдида хушомадгўйликка айланмаслиги лозим. Зеро, -“Ширин сўз - одамларнинг қалбини боғловчи занжирдир”.


Бошқалар билан муомалага киришганда эмпатия, ширинсуханлик, мулозамат, илтифот кўрсатиш ҳаётимизни безайди, унга гўзаллик бағишлайди. Худди шундай ҳатти-ҳаракат қилган киши ҳам ўзининг, ҳам бировнинг кайфиятини кўтаради. Бу эса умумий кайфиятга ижобий таъсир этиб, фаолиятдаги самарадорлик ва шахслараро мослик даражасининг юксалишига, шахслараро муносабатдаги айрим келишмовчиликларга барҳам беришга олиб келади.

Бурч ва виждон этика категориялари сифатида ҳар бир шахсда тизимли тарзда шакллантирилиб борилиши зарур. Ушбу категориялар аввало муомалада намоён бўлиши, шахснинг фазилати даражасига кўтарилиши, фаолиятида акс этиши лозим. Зеро, бир қарашда осон аслида эса қийин иш, айна вақтда бебаҳо фазилат, бу хафа инсонни юпата билиш, унга ҳамдардлик билдириш, меҳрибонлик қилиш ва хушмуомала бўлишдир.

Хушмуомала бўлиш бошқа кишиларнинг кайфиятини сеза билиш, уларнинг характери хусусиятини, мазкур дамдаги эмоционал ҳолатини, индивидуал жиҳатларини ҳисобга олиб, ўзига яраша муомала қилишдир. “Инсонни таниш одобдан бошланса, у билан мулоқот давомида ахлоқий хислатларини била борасиз. Ваъдага вафо қиладими, дўстга садоқати қандай, ҳиммати ва саҳовати, журъати ва шижоати, ўқтамлиги ва орияти – барча ахлоқий фазилатлари бирма-бир кўз олдингизда намоён бўла боради”. Бундай шахс одамларга бўлган ҳурмат ва дўстона муносабатини ўзининг ижобий хатти-ҳаракати билан ифодалайди.

Айниқса, ёши улуг кишиларга нисбатан чуқур ҳурмат кўрсатиш юксак қадриятдир. Кексаларга йўл бериш, жой кўрсатиш, транспортга чиқишда ёрдамлашиш, учрашганда биринчи бўлиб саломлашиш, суҳбат чоғида маҳмадона бўлмаслик, ўзлари сўрамасалар уларга маслаҳат бермаслик каби қоидалар борки, буларнинг барчаси катталарнинг ҳурматини ўрнига қўйиш белгиларидир.

Таъкидлаш керакки, хушмуомалалик, ширинсуханлик ҳаётда ва ишдаги камчиликларни очиб ташлаш ва танқид қилишни, ножўя хатти-ҳаракатлар қилаётган кишиларга нисбатан принципиал муносабатда бўлишни рад этмайди. Ҳаётнинг барча талаб ва қоидаларига риоя қилиш, атрофдагилар билан муомалада тўғри оҳанг ва меъёр топа билишдан иборат индивидуал хислат - ҳулқ маданиятини белгилайди.



Чизма №2. Муомала услублари.

Одобли кишининг хушмуомалалиги хотин-қизларга бўлган ҳурматида ва ўртоқларча муносабатида, уларга меҳрибон бўлиши ва эътибор кўрсатишида яққол кўринади. Аёл кишининг қўлидан оғир юкини олиш, транспортга чиқиши ва тушишида ёрдам бериш, унга йўл бериш ва ҳоказолар ҳар бир кишига маълум бўлса ҳам, айримлар бунга эътибор бермайдилар ёки бундай хатти-ҳаракат қилишни хоҳламайдилар. Хотин-қизларга ғамхўрлик қилиш ҳар бир эркакнинг инсоний хислати бўлиши билан бирга, бурчи ҳамдир.

Шунингдек, хушмуомала киши суҳбатдошининг сўзига диққат билан қулоқ солади, ўринсиз лўқма ташлаб сўзини бўлмайди, менсимайдиган ёки камситадиган оҳангга гапирмайди. Хушмуомала бўлиш ўқиш ёки меҳнат жамоасини, унинг ҳар бир аъзосини, атрофдаги барча кишиларни ҳурмат қилиш, бошқаларга ҳалал етказмасдан, аксинча уларга ўнғайлик туғдиришга интилишдир. Зеро, тарбия кўрган ҳар бир киши инсон шахсини ҳурмат қилади, унга доимо мурувватли, мулойим ва кўнгилчан бўлади.

Муомала маданияти барча эзуликларнинг ибтидоси бўлиб, баркамол шахсни шакллантиришда бу имкониятдан кенг фойдаланиш самарали тарбиявий натижаларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, хушмуомалаликдан улуғлик, қаноатдан роҳат, ихлосдан муҳаббат пайдо бўлади. Бу хислатларни мунтазам тарзда талаба-ёшларга сингдириб бориш уларда баркамол шахс сифатларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 21 апрель сони (№70).
2. Машрикзамин – ҳикмат бўстони // Масъул муҳаррир: Ғ.Ас-Салом / - Т.: Шарқ, 1997. - Б.151.
3. Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. - Б.306.
4. Бахриева, Н. А. "ДЕТСКО-РОДИТЕЛЬСКИЕ ОТНОШЕНИЯ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ОБЩЕНИЯ ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА." *Теория и практика современной науки* 5 (2019): 131-133.
5. Ahmadovna, B. N. THE GROWTH OF SPEECH IN PRESCHOOL CHILDREN IS AN IMPORTANT FACTOR IN THEIR SOCIO-EMOTIONAL DEVELOPMENT. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(09), 2020.
6. Бахриева, Н. А. (2018). ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ТЕХНИКА-ОСНОВА ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ЦЕЛИ ОБРАЗОВАНИЯ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-8), 140-145.
7. Akhmedovna B. N. Section 4. Pedagogical Psychology // *Education Образование*. – 2014. – С. 265.
8. Бахриева Н. А. Таълим муассасалари мутахассислари касбий компетентлигининг тузилиши // *Современное образование (Узбекистан)*. – 2019. – №. 9 (82). – С. 3-10.
9. Nematova, R. R., and N. A. Baxriyeva. "UMUMTALIM MAKTABLARIDA INGLIZ TILINI O'YINLAR ORQALI O'QITISHNING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ASOSLARI." *ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ* 2.3 (2022): 156-163.
10. Baxriyeva N. Maktabgacha yoshdagi bolalarni hissiy rivojlantirishning dolzarbligi // *Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali*. – 2021. – Т. 1. – №. 1.
11. Akhmadovna B. N. INFLUENCE OF INDIVIDUAL-TYOPOLOGICAL FEATURES ON STUDENTS'LEARNING ACTIVITY // *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*. – 2022. – Т. 3. – №. 03. – С. 18-22.
12. Bakhrieva, N. A., & Bakhrieva, N. A. (2015). GROUP PSYCHOLOGICAL WORK WITH TEENAGERS. In *The Third International conference on development of psychological science in Eurasia* (pp. 3-6).
13. Bakhrieva, N. A. (2014). Professional competence: the concept and structure. In *European Conference on Education and Applied Psychology* (pp. 265-270)
14. Бахриева, Наргиза Ахмадовна. "МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ." *Современное образование (Узбекистан)* 11 (96) (2020): 70-76.
15. Akhmadovna B. N. The pedagogic-psychological peculiarities of the socio-emotional development of the children of preschool age groups // *Euro-Asia Conferences*. – 2021. – Т. 3. – №. 1. – С. 18-21.